*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
19 январь
ЧОРШАНБА

№ 6
(12.330)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz


# ҚИШ БЕКОР ЎТМАЯПТИ

## дейишмоқда ўқув-семинарда иштирок этаётган фермерлар




Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-чи босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига жиддий эътибор қаратмоқда. Бундан кўзланган мақсад, қайта шаклланган фермер хўжаликлари ва агросаноат корхоналари фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Лойиҳанинг "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни ўқитиш ва маслаҳат хизмати кўрсатиш" йўналиши доирасида вилоятимизнинг тўртта ҳудудида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бизнес-инкубаторлар ва технопарклар ассоциацияси, вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермерлар уюшмаси ҳамкорликда ўтказаётган семинарларга 1800 га яқин деҳқон, фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари жалб этилган.

Тошкент давлат аграр университетида қибрайлик ва зангиоталик заминдорлар ўз билимларини бойитишмоқда. Улар икки ҳафта давомида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллари, фермер хўжаликларида пахта ва ғалла етиштириш, чорвачиликни ташкил этиш, бизнес-режа тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишнинг ҳуқуқий ва солиққа тортиш асослари, сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари мавзуларидаги машғулотлар давомида малакаларини оширишди.




– Семинарда қатнаша туриб, билганларимдан билмаганларим кўп эканлигига амин бўляпман, – деяди қибрайлик фермер Абдукарим Муталов. – Фермерлар ишига тўғаноқ бўладиган муаммоларнинг ечими у даражада мураккаб эмаслигини билиб оляпман. Бу ерда кўрган, ўрганган ва эшитганларимни қўшни фермерларга ҳам айтаман. Чунки бирники мингга, мингники туманга дейишади.

Дарвоқе, лойиҳанинг иккинчи босқичи 5 йилга режалаштирилган бўлиб, умумий қиймати 76,9 миллион АҚШ долларига тенг. Бундан ташқари, Швейцария ривожлантириш агентлиги 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағини ажратган.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** семинар иштирокчилар учун ҳар томонлама самарали бўляпти.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**СЕМИНАР**

# КОНЦЕПЦИЯ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Қумовулдаги вилоят маънавият-маърифат марказида семинар ўтказилди.**

Семинарда Адлия вазирлиги, вилоят адлия, давлат солиқ ва божхона бошқармалари, Марказий банк ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимлари иштирок этишди.

Иштирокчилар республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасининг туб моҳиятини кенг халқ оммаси, давлат ташкилотлари ходимлари ва талабаларга етказишни тавсия этдилар.

Семинарда Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунос олимлари концепциянинг асосий йўналишлари ва улардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида қилган маърузаларида унинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши билан боғлиқ жиҳатлари кенг шарҳланди.

Тадбир қизғин савол-жавоб руҳида ўтди.

**Абдулла САИДОВ.**

# ЧИРЧИҚ ЖАМОАСИ – ҒОЛИБ

**Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, "Камалак" болалар ташкилоти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорлигида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.**

Унда Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳри, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Чиноз, Қибрай, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Пискент ва Зангиота туманларидан ёш спортчилар беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, Чирчиқ шаҳри, Ўртачирчиқ ва Оҳангарон туманлари жамоалари совринли ўринларни эгаллашди.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**

# ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЧИНОЗ ТУМАНИ

## ТАЛАБАЛАР САЁҲАТИ

**Туман хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлди.**

Коллеж ходимлари ва иқтидорли ўқувчилар кўҳна обидалар, Шердор, Шоҳи-Зинда, Гўри-Амир мақбаралари ва бошқа осориатиқаларни томоша қилиб, катта таассуротлар билан қайтишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

### АНГРЕН ШАҲРИ

## ҲАРБИЙ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

**Шаҳардаги кимё саноати касб-ҳунар коллежида "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда ҳарбий амалий кўпкураш мусобақаси бўлиб ўтди.**

Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди. Мусобақа якунига кўра, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга "Ватанпарвар" ташкилотининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Турғун ҲАКИМОВ.**

### ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ СОВРИНДОР БЎЛАДИ

**Тумандаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Шунқорлар" кўрик-танлови ўтказилди.**

Тадбирда тумандаги барча коллежлар жамоалари қатнашиб, ўз Ватанларига садоқатли фарзанд эканликлари акс этган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Ўқувчи-ёшлар арқон тортиш, тош кўтариш, 100 метрга югуриш, мавзуга оид савол-жавоблар, пневматик милтиқдан ўқ отиш, граната улоқтириш каби шартлар бўйича беллашдилар.

Мусобақа якунида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчилари биринчи бўлишди. 2-ўрин агроиқтисодиёт коллежи жамоасига насиб этди. 3-ўринни эса, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи иштирокчилари эгаллашди. Ғолиблар туман ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари, мудофаа бўлимлари ҳамда "Ватанпарвар" ташкилотининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ**

# АҲДИДА ҚАТЪИЙ АЁЛ

**Шудгордан кейин пушта олиб қўйилган далаларни, ғаллазорни айланиб чиқдик ҳамки, фермернинг кундалик юмушлар, истиқболдаги режалар ҳақидаги гапи тугамайди. Фикрларини тинглаб туриб сездимки, ўтган кузги изтироблар кўланкаси ҳамон кўтарилмаган. Ахир, пахтадан 37 центнердан, буғдойдан 62 центнердан ошириб ҳосил етиштириб юрган фермер ўтган йилги кўрсаткичларнинг орқага кетиши билан қандай муроса қилсин! Ҳамиша сафнинг олдида, маслаҳатнинг бошида бўлиб, гапини бермай келса-ю, пахта ҳосили 12,5, буғдой ҳосили 4 центнер пасайиб кетса!**

Шу сабабли ҳозирги аёзли кунларда ҳам Жамила Маматқулованинг ороми йўқ. Ҳар куни дала айланади, пахта экиладиган майдонларга пушта олаётган ўғли Алишернинг ишларини назардан ўтказади. Яхшиямки, лизинг бўйича шу "МТЗ-80" тракторини олишган экан, хўжаликнинг кунига яраяпти.

Фермер шу тариқа ариқ тозалаётганлар ёнига ўтиб, уларнинг ишини кўздан кечиради. Биладики, сув йўли равон, тоза бўлса, ёз бўйи кўнгли тинч, сувчилар ҳам ортиқча елиб-югурмай экинларни оби-ҳаётга мириқтиришади. Шунда экин дуркун ўсади, баракали ҳосил тўплайди, хўжалик илгариги йиллар даражасида хирмон кўтаради. Қарабсизки, даромад мўл, барчанинг чўмичи мой.

– Йилимиз хайрли келди, – дейди Жамила Матқулова. – Давлатимиз раҳбари унга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном берганлари нур устига аъло бўлди, ҳаммани ҳаракатга солиб юборди. Ўзимдан мисол. Экин ерларимизга туташ жойда мўъжазгина кўл бор. Зафар шаҳарчасидаги айрим муассаса ва ташкилотлар, яқин-атрофдаги маҳаллалар аҳолиси унинг атрофини ахлатхонага айлантириб юборишганди...

Фермер шу жойларни тозалаб, кузда балиқчиликни ривожлантириш ташаббуси билан чиқди. Бекобод туман ҳокимлиги бу таклифни маъқуллади.

Фермер бундан руҳланиб кетди. Кўл атрофида ер сурувчи техника, машиналар ишга тушди. Қисқа фурсатда ахлатхона ўрни текисланиб, чиннидай жой бўлди.

– Ахлатларни кўмиб-ташиб, кўл атрофини тозалашга 3,5 миллион сўм сарфладик, – дейди фермер. – Кўлни тартибга келтириб, 3,2 миллион сўмлик чавақ келтириб, сувга қўйиб юбордик. Бугун-эрта ҳокимлик қарор чиқариб берса, бизнес-режани тайёрлаб, тегишли идоралардан балиқчиликни ҳам рўйхатдан ўтказиб оламан.

Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясининг 18 йиллик байрамида шундай тиниб-тинчимас, ғайратшижоатли кишилар меҳнати юртни обод, турмушни маъмур қилаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Бугун юзлаб, минглаб жамилаларнинг ҳамжиҳатликдаги баракали меҳнатлари юртга тўкинчилик, фаровонлик келтираяпти.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



# МУСАЛЛАМ ОПАНИНГ ПАРВОЗИ

**Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишади. Оҳангарон туманилик Мусаллам Бобоева бу гапни тез-тез такрорлаб туради. Чунки, у шу гапга амал қилиб, кам бўлмаяпти.**

Унинг касби ҳамширалик. Лекин тикувчиликнинг ҳам уддасидан чиқарди. Мижозлари ўзига яраша эди. Ҳафтада бир-икки мижозининг буюртмасини бажариб берарди. Шунинг орқасидан қўлига кўп бўлмасада, ҳар ҳолда 3-4 сўм тушиб турарди.

Мусаллам навбатдаги буюртмани бажара туриб, ўйланиб қолди: "Рўзғор – ғор деганлари рост экан. Қўшимча ишдан топаётган даромадим ҳам еб-ичишдан ортмаяпти. Шу ишимни кенгайтирсам, қандай бўларкин?" Ўтирса ҳам, турса ҳам ўйлаган фикри унга тинчлик бермай қўйди.

2009 йили Мусаллам Бобоева "Кўкка парвоз" хусусий фирмасини очди. Ҳозир бу ерда Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманидаги болалар боғчалари ҳамда шифохоналар учун кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаб ва тўшаклар тикилмоқда. Шунингдек, махсус иш коржомалари ҳам тайёрланяпти.

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** Мусаллам Бобоева.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**


**2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда**
**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ОГОҲЛИК

# БАЙТҚЎРҒОНЛИКЛАР ИБРАТИ

**Эл осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш мақсадида Қибрай туман маҳаллалари профилактика инспекторлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда фаолият юритишмоқда.**

152-милиция таянч пункти Байтқўрғон қишлоғи ҳудудида осойишталикни сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Вилоят миқёсида ўтказилган "Энг намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловида ушбу маскан ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Бугун ҳududдаги «Уймовут», «Байтқўрғон», «Шодлик», «Навбаҳор», «Кўприкбоши» каби маҳаллаларда ўн беш мингдан зиёд аҳоли аҳил-иноқликда истиқомат қилмоқда.

– Аҳолининг ўттиз фоиздан кўпроғи вояга етмаганлардан иборат. Ҳудудда профилактика инспекторлари Жонибек Карманов, Фарруҳ Обидов маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳаракат қилишмоқда. Шу боис йил давомида вояга етмаганлар иштирокида жиноят юз беришига йўл қўйилмади, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Одил Ғуломов. – Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамда мактабларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида "Ёшлар – гиёҳвандликка қарши", "Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз", "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият", "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Терроризм – инсоният душмани", "ОИТС оқибатлари" каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда.

Милиция таянч пунктида маҳаллага хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши аъзолари бир бинода жойлаштирилиб, уларнинг ҳамкорликда иш олиб боришлари учун барча шароит яратилган.

– Ҳар бир оиланинг тинчлиги аввало маҳалланинг, маҳалла осойишталиги эса, мамлакатнинг барқарор тараққиёти гаровидир, – дейди Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туроб Ирисбоев – Шу боис ҳудудимиздаги профилактика инспекторлари ҳамда посбонлар билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида уюштирилаётган суҳбат ва учрашувларда аҳоли, айниқса ёшларга фуқароларнинг асосий бурч ва ҳуқуқларини атрофлича тушунтираяпмиз.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**



**СУРАТДА:** профилактика инспектори Жонибек Карманов маҳалла фаоллари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ХХI аср ва дунё

**Собиқ Нигер президенти Мамаду Танжа уй қамоғидан мамлакат пойтахти Ниамей яқинидаги қамоқхоналардан бирига ўтказилди.**

# НИГЕР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАМОҚҚА ТАШЛАНДИ

AFP агентлиги суҳбатдошининг сўзларига қараганда, Танжани қандай сабаб билан айблашаётгани номаълум. AFP маълумотларига кўра, собиқ президентни давлат ғазнасидан 125 миллион долларни камомад қилганликда айблашлари мумкин.

2010 йилнинг февралида ҳарбий тўнтариш билан ҳукуматдан четлатилган Мамаду давлат раҳбарининг пойтахтдаги резиденциясига яқин бўлган вилласида уй қамоғида эди. Декабрга келиб ундан президент иммунитети олиб ташланди.

Ҳукумат тепасида ҳарбий хунта турибди. Февралда исёнчилар бошлиғи Салу Жибо давлат етакчиси деб эълон қилинди. У мамлакатда демократия институтларини йўлга қўймоқчи. Президентликка ва парламентга сайловларни 31 январда ўтказиш режаланмоқда.



НИГОҲ

# КИМ ЖИНОЯТЧИЮ КИМ ЖАБРЛАНУВЧИ

## эканлигини аниқлашда Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари "ожизлик" қилаяпти

– Худога шукрки, отам, ака-укаларим бизнинг қочишимизга имкон яратиш учун талончилар билан муштлашишга киришишди, – ҳикоя қилади Олабуқа туманида яшовчилардан бири. – Кўзига қон тўлган босқинчилар уйимизга ўт қўйишди. Онам билан мен бироз муддат Ўзбекистондаги қариндошларимизникида жон сақлаб, яна қайтиб келдик. Не кўз билан кўрайликки, уйимиз ёниб, култепага айланибди. Буниси майли-я, отам бечора аёвсиз калтаклар зарбидан шифохонада жон берибди. Акам эса, қочишга улгурибди. Энди уни қидиришаётган экан...

2010 йил июнь воқеалари даҳшати одамларни ҳамон қўрқувга солиб турибди. Ваҳоланки, ҳаммаси ортда қолгандек: миллатлараро жанжал-тўполон тинган, тинч ҳаёт бошланди, жиноятлар устидан тергов бораяпти. Бироқ, узоқни кўролмайдиган Қирғизистон қонунчилик идоралари ходимлари ким жиноятчию кимлар жабрланувчи ва гувоҳ эканлигини "ажратолмаяпти". Баъзан жабрланганларни жазолаб, қотил ва ўғри-талончиларни оқлаяпти.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қотиллик, зўравонлик ва талончиликлар устидан тергов олиб бориш жараёнида ишга тўғри, холис ва одилона ёндошмаяпти. Идоралараро махсус тезкор бригада Ўш шаҳрида 2500 га яқин жиноий иш қўзғади. Тергов ва суд давомида қонун меъёрлари очиқдан-очиқ бузилаяпти – судланувчилар қийноққа солинади, калтакланади, асоссиз айб қўйилади, таъмагирлик қилинади, кўп ҳолларда эса, жабрланганлар айбланувчиларга айланади.

– Қотиллик ва оммавий тартибсизликлар юзасидан 171 та жиноий иш қўзғатилди, – изоҳ беради Ўш вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Памирбек Асанов. – Шулардан 8 та иш қотиллик ёки милиция ходимларига нисбатан суиқасд уюштирилгани устидан очилди. Аммо асосий жиноий ишлар (1159 та) ўғрилик ёки талончиликка оид.

П. Асановнинг гапига қараганда, ҳозир 30 та иш юзасидан ҳужжатлар судга оширилди. Баъзи айбдорлар устидан ҳукм ҳам чиқарилди.

Аммо, Ўшнинг бош милиционери ёлғон-яшиқдан ҳам ҳазар қилмаяпти. Шундай ҳоллар ҳам оз эмаски, тергов шунчаки йўлига, қўл учида олиб борилади, кўплаб масалалар очиқлигича қолиб кетаяпти.

"Фуқаролар коррупцияга қарши" ҳуқуқни муҳофаза қилиш маркази бўлими 15 айбланувчига юридик ёрдам кўрсатмоқда. Яна шунча айбланувчи ўз навбатларини кутиб туришибди. Лойиҳани мувофиқлаштирувчи Ҳусанбой Солиевнинг ўз интервьюсида таъкидлашича, унинг ҳамкасблари фақат қийноқ, асоссиз айб қўйиш ва таъмагирликдек оғир жиноятлар бўйича ёрдам қўлини чўзмоқдалар.

"Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ"нинг Ўз шаҳри бўлими раҳбари Жениш Тороевнинг айтишича, қонунбузарлик гумон қилинувчини қўлга олиш пайтиданоқ бошланади. Этник қарама-қаршилик бошланган биринчи ҳафталарда ўзбеклар яшайдиган даҳаларда санкциясиз тинтув ва қамоққа олишлар оммавий бошланиб кетди. "Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ"га Ички ишлар вазирлиги ходимлари жисмоний куч ишлатаётганлари ҳақида кўплаб шикоятлар тушмоқда.

– Уч ой ичида 90 дан зиёд шикоят тушди, – ҳикоя қилади Жениш Тороев. – Шундан 30 фоизи қўлга олинганларга нисбатан жисмоний куч ишлатилгани ҳақида.

Милиция ходимлари таъмагирлик қилаётган ҳоллар ҳам оз эмас. Одамлар у ёки бу иш бўйича жиноятчига айланиб қолмаслик учун пора бериб қутулишга мажбур бўлаяптилар. Бироқ, фуқаролар таъмагирлик қилаётган ходимлар устидан шикоят ёзишдан қўрқишади. Ҳозир Қирғизистон жанубида адвокат бўлиб ишлаш жуда оғир. Улар номаълум шахсларнинг пўписа ва таҳдидларига дуч келмоқдалар. Умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга қаратилган таҳдидлар ҳам оз эмас.

Ўш шаҳри ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг ҳамма аризаларини рад этмоқда. Памирбек Асановнинг сўзларига қараганда, милиция ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида шикоятлар бўлиб туради. Бироқ, текширув давомида улар тасдиқланмайди. "Тергов бўлинмаси у ёки бу шахсни ушлаш чоғида, ҳар доим ҳимоячини тавсия этади, – дейди у. – Шикоятларга келсак, уларни прокуратурага бундай далилларни текширувчи назорат органи сифатида юборишади. Аммо, ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар гапираётган ҳолатлар бизда йўқ".

Ҳуқуқ ҳимоячиси Ҳусанбой Солиевнинг айтишича, тергов пайтидаги қийноқларни исботлашнинг амалда иложи йўқ. Бу ўринда адвокатларнинг ҳуқуқлари чегараланган. Суд-тиббий экспертизанинг мустақил органлари эса йўқ. "Ҳамма айбланувчилар деярли барча ишларда қилмаган айбларига ҳам иқрор бўладилар, – дейди у. – Аммо улар шунчаки, ўз-ўзидан бундай қилишмайди. Бундай розиликлар ноқонуний йўллар, аниқ қилиб айтадиган бўлсак, айнан қийноқ усулларини қўллаш орқали олинади. Лекин, қийноқларни қайд этиш мушкул, чунки, мустақил органлар йўқ. Терговчилар, прокурорлар, суд-тиббий экспертлар – бир занжирнинг ҳалқалари".

Жабрланганларнинг бундай "терговлар" ҳақида юқори органларга ёзган шикоятлари ҳеч қандай наф бермайди. Аксинча, қўшимча нохушликлар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Мамлакатда шовинистик таҳлика ҳукм сураяпти. Ҳукумат эса мутлақо бошқа масалалар билан овора. Булар шундай вазиятда юз бераяптики, уруш-жанжаллар пайтида жабр кўрганлар ёқиб юборилган ёки йўқ қилинган мол-мулклари учун ҳанузгача товон ололганлари йўқ.

**Асрориддин МУҲАММАДЖОНОВ.**
«Белый Парус» интернет газетасидан.

ТАРАҚҚИЁТ

**Тошкент давлат аграр университетида "Агроэкология фанининг таълим тизимидаги ўрни" мавзусида семинар ўтказилди. Илмий-амалий руҳда ўтган анжуманда табиат ва замон, қишлоқ хўжалиги, ер, сув ва ҳаёт мавзулари, Орол денгизи муаммолари муҳокама қилинди.**

# АГРОЭКОЛОГИЯ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Семинарда айтилишича, республикадаги дарёлар сувининг етмиш фоизи қишлоқ хўжалиги учун сарфланмоқда, экин майдонларининг анча қисми шўрланган. Саноат корхоналаридан тўрт минг тонна атрофида зарарли чиқиндиларнинг тарқалиши жиддий муаммо туғдирмоқда. Яқин Шарқ мамлакатлари тажрибаларида кўрилганидек, юртимиз қишлоқ хўжалигида ҳам томчилаб суғориш технологияси жорий этилса, 95 фоиз сувни тежаш мумкинлиги таъкидланди.

**Отабек САИДОВ.**

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

# МУСАЛЛАМ ОПАНИНГ ПАРВОЗИ

– Ўзим ҳамшира бўлганим учун тиббиёт муассасаларидаги чойшаб ва жилдларга талаб қай даражада эканлигини яхши биламан, – дейди у. – Уларни харид қилиш муассасалар учун қимматга тушади. Баъзида эса, сифати қониқарли бўлмайди. Биз талаб ва таклиф бозорини жиддий ўрганиб чиқдик. Ҳозир маҳсулотларимиз ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатдан мижозларни тўлиқ қаноатлантиряпти. Секин-аста улар сафи кенгайиб боряпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркор ўз ишини "Қишлоққурилишбанк"нинг 9,5 миллион сўм кредити билан бошлаган. Ҳозир унинг савдо айланмаси 120 миллион сўмга етди. Дарвоқе, тикувчилик цехида 12 хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар ҳар ойда 120-150 минг сўм атрофида ойлик олиб туришибди. Ишдами ёки оиладами қандай муаммо бўлса, бемалол Мусаллам опаларига мурожаат қилишади. Чунки уларнинг раҳбари ҳожатбарор.

Мусаллам Бобоева тиниб-тинчимайди. 120 та қўй ва 30 бош қорамол боқиб қўйган. Шу йилнинг ўзида мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларига 150 тонна сут етказиб берди.

Мусаллам опа Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яна бир ишни бошламоқчи. Сутни қайта ишлайдиган цех очиш учун 350 миллион сўм кредит олишни мўлжаллаб қўйган. Бунда туман ҳокимлиги кўмак беряпти. Цех очилса, яна 50 та иш ўрни яратилади.

Шу билан бирга ҳокимиятдагилар ҳозир тадбиркор аёлнинг қорамоллари учун озуқа етиштириладиган ер ажратиш ниятида.

Яна бир гап. Вилоят фтизиатрия ва пульмонология шифохонаси ходимларига "Кўкка парвоз" хусусий фирмасининг ошхонаси хизмат қилаяпти.

Мусаллам опанинг уч қиз, бир ўғли унинг ёнида фирма ишларини юритишяпти. Шундай тадбиркор, ишбилармон аёлларимиз бор экан, юртимиз иқтисодиёти мустаҳкамланиб бораверади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

ИННОВАЦИЯ

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги ёшлар салоҳиятини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ёш инноватор – ислоҳотларга кўмакдош" кўрик-танлови ташкил этилганди.**

Унда вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги мактаб, коллеж, олий ўқув юрти ўқувчи ва талабалари, вилоят ҳудудидаги илмий-тадқиқот институтлари ҳамда маҳаллалардаги изланувчан ёшлар ўзларининг диққатга сазовор ихтиро, таклиф, фикрлари билан иштирок этишди.

Танловга 24 та талабнома қабул қилинди. Шундан 6 таси ихтиро, 2 таси компьютер учун дастур ва маълумотлар базаси, 4 таси моделлардан иборат. Битта лойиҳа, яъни "Ихлос бизнес барака" хусусий корхонаси, "Адолат" СДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида тақдим этилган "Чиқиндидан биогаз, биоўғит ишлаб чиқариш" лойиҳаси Фонд Форумнинг "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш" жамғармаси грантига тавсия этилди ва ғолибликка сазовор бўлди.

Бўстонлиқ туманидаги 125-мактаб-интернат жамоаси "Касаначилик ва тикувчиликка оид ишланмалар", "Меъморчилик ва архитектура макетлари лойиҳаси", Янгийўл тумани 1-умумтаълим мактаби жамоаси "Касаначиликка оид ишланмалари" билан кўрик-танловнинг ғолиблари деб топилиб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, кўрик-танловнинг 21 нафар иштирокчиси ҳам рағбатлантирилди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

**Зангиота туманидаги 13-мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларнинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.**

# УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНИБ

Концертда ўқувчилар фортепьяно ва халқ чолғу асбобларида куйлар ижро этиб, дарсларда эгаллаган билимларини намойиш этдилар.

Мактабнинг 7-синф ўқувчиси Гавҳар Шарипова "Лайлак қор" қўшиғига концертмейстерлик қилиб, устозлар олқишига сазовор бўлди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

НУҚТАИ НАЗАР

# АХБОРОТ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?



**Биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган замонда яшаяпмиз. Кимдир буни технологиялар асри деса, баъзилар тафаккур, яна бировлар эса ахборотлашув даври деб изоҳламоқда.**

Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай воқеа юз бермасин, осонгина билиб олишимиз мумкин. Шундай экан, янги ахборот технологияларини қўллаш давлат ва халқлар ўртасидаги интеграция, ҳамкорлик алоқалари, капитал ва товарларнинг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Қолаверса, замонавий коммуникация ривожи, илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши, мулоқотнинг янгича сифат касб этишига ҳам айни ахборотлашув туртки бўлди.

Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Бу ўз навбатида технологияларни ўрганиш ва фойдаланишда, шу билан бирга ахборот майдонидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишда қўл келмоқда. Ҳатто, бошқарув жараёнларида ҳам ушбу технологиялар ходимларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондирмоқда.

Қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлашга қаратилган ахборот технологиясининг асосий хусусияти инсон ва компьютернинг ўзаро муносабатида намоён бўлади. Технологиянинг асосий мақсади қарорларни ишлаб чиқиш бўлиб, бунга эса интерактив жараён орқали эришилади.

Ахборот технологиясини тизим сифатида бошқаришда инсон қатнашади. Унинг шаклланишида мутахассис, техник воситалар, ахборотнинг ўрни катта. Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари бошқариш вазифаларини бажаради. Бу ахборотларни йиғиш, жамлаш, узатиш, сақлашдан иборат. Ушбу тизимни яратиш учун техника, иқтисодий ва ижтимоий тамойиллар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, яратилган ахборот технологияси энг кам харажат билан энг кўп натижа бериши керак. Бу нарса ахборот технологиясининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигида кўринади. Халқ хўжалиги тармоқларининг асосий вазифаси талабга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бу вазифани бажаришда ахборот технологияларининг ўрни беқиёс. Улардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётда юқори натижаларга эришилмоқда. Ҳозирги шароитда ахборот тизими шахсий компьютерлардан фойдаланишни ҳам назарда тутади. Йирик ташкилотларда шахсий компьютерлар билан ахборот тизимининг техник таркибига Майк Фрейм ва Супер ЭҲМни киритиш мумкин.

**Саодат САЙДУЛЛАЕВА, ТДИУ ўқитувчиси.**

**Академик Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти**

**бир йиллик Боғбонлар мактабини капитал таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Қурилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишни истаган қурилиш ташкилотлари мактаб раҳбариятига учрашишларини сўраймиз.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон Қ.Ф.Й. ҳудуди, Чимкент йўли кўчаси, Боғбонлар мактаби. Тел.: (+99898) 310-10-68.**

**2 гектар ер майдонида Хитой технологияси асосида олтита 2,0 метр чуқурликда траншея усулидаги иссиқхона қурилиши бўйича**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Қурилиш ишларини амалга оширишни хоҳлаган қурилиш ташкилотлари институт раҳбарларига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон Қ.Ф.Й ҳудуди, Чимкент йўли кўчаси.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг

Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

# РИШОД – ЯНА ШОҲСУПАДА!

**Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров янги мавсумдаги дастлабки ғалабасига эришди.**

Озарбайжон пойтахти Баку шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "Мастерс" туркумига кирувчи халқаро турнирда қирқдан зиёд мамлакатдан келган икки юз нафардан ортиқ спортчи куч синашди. Мусобақаларда жаҳон рейтингида ўз вазн тоифаси бўйича юқори ўринларни эгаллаб турган дзюдочилар 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рейтинг очколари учун курашди.

Амалдаги жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби ва дунё рейтингида пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров яна бир карра ўз маҳоратини намойиш қилди. Моҳир дзюдочимиз мўғулистонлик Ганбат Богдбаатар, грузиялик Амиран Папинашвили ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ришод ҳал қилувчи беллашувда ҳам россиялик Арсен Галстян устидан зафар қучди ва олтин медални қўлга киритди.

**ЎзА.**

# МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

**Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, миллий спорт турларини оммавийлаштириш ва турон спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида Зангиота туманидаги 9-мактабда турон яккакураши бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.**



Унда Зангиота, Паркент туманлари, Чирчиқ, Олмалиқ ва Тошкент шаҳарларидан 200 дан зиёд яккакураш усталари 18 вазн тоифасида ғолиблик учун беллашдилар.

Мусобақа якунларига кўра, зангиоталик Жавоҳир Эркинбоев, Абдурашид Турғунов, Абдусамад Алиев ва Ҳожиакбар Файзиев ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритишди.

Тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

**Қатарда футбол бўйича давом этаётган "Осиё кубоги – 2011" мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси "А" гуруҳи беллашувларини биринчи ўринда якунлаб, чорак финалга йўлланма олди.**




# ЧОРАК ФИНАЛДА ИОРДАНИЯ БИЛАН

Дастлабки икки учрашувда Қатарни 2:0, кувайтликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз учинчи турда Хитой терма жамоаси билан куч синашди. Бу ўйинда футболчиларимизни дуранг натижа ҳам қониқтирар, рақиб жамоага эса йирик ҳисобдаги ғалаба зарур эди.

Илк дақиқалардан ҳужумга зўр берган хитойликлар 6-дақиқада ҳисобни очди. Бироқ қисқа фурсатда ташаббусни қўлга олган ҳамюртларимиз танаффусгача жавоб тўпини киритди. Бу вазиятда ҳужумчиларга ёрдамга келган Одил Аҳмедов Сервер Жепаров оширган тўпни хитойликлар дарвозасига аниқ жойлади.

Ўйиннинг иккинчи ярми ҳамюртларимиз учун омадли бошланди. Александр Гейнрих узоқ масофадан кучли ва аниқ зарба йўллаб, рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Аммо бир неча дақиқа ўтиб, хитойликлар ҳисобни тенглаштирди – 2:2. Қолган дақиқаларда дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7 очко тўплаб, "А" гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Гуруҳдаги яна бир учрашувда кувайтликлар дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган қатарлик футболчилар олти очко билан иккинчи ўриндан жой олди ва мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Қитъамиздаги футболга ихтисослашган кўплаб электрон нашрларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси кўрсатаётган ўйинларга юқори баҳо берилмоқда. Футболчиларимиз гуруҳ босқичидаги уч учрашувда ҳам тўпни эгаллаб туриш, самарали ҳужум уюштириш, тезкорлик ва жамоавий ўйин бўйича устун эканини намойиш қилди. Терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров "Энг яхши ўйинчи", деб топилди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари 21 январь куни "В" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Иордания терма жамоаси билан ярим финалда баҳслашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# ШОАБДУМАЛИКБОБО

Бизнинг Она заминимиз – Аллоҳнинг марҳамати ёғилган жой. Зеро, у ўзининг кўплаб атоқли фарзандлари қолдирган буюк меросларни бағрида авайлаб-асраб келмоқда.

Ватанимиз сарҳадлари беқиёс кенг. Шу боис буюк ўғил-қизларининг чексиз меҳр-муҳаббатини бағрига жо қилган. Буюк ипак йўлининг кўҳна йўналишларидаги ҳар бир тош, қадимий ёзувдаги ашъорларнинг ҳар бир сатри шу ҳақда сўзлайди.

Буюк ипак йўли! Ёруғлик, оқиллик, донолик йўли. Илм деб, билим деб, адолат деб шаҳд билан тепган минг-минглаб оташқалбларнинг ҳаёт йўли.

Бу – савдогару тужжорлар билан бирга олимлар, донолар, устозлар, дарвешлар, ўзини Ҳаққа бағишлаганлар кўп ва хўб кезишган йўл. Бу – суфий жамоат йўли. Уларнинг аксарияти ўзбек ерида таваллуд топишган: Яссавий, Кубро, Нақшбандий, суфийлик тариқатлари, турли-туман тасаввуф мактаблари ва таълимотлари вакиллари.

Буюк ипак йўли Сайёрамиздаги табиий ривожланишнинг яхлит жараёни маданий-иқтисодий ва ижтимоий тамойилининг доимий бош алоқа йўли бўлган. Моҳир ҳунармандларга эга шаҳарларнинг ана шу шаклланиш, ривожланиш жараёнларида Инсоннинг руҳий қудрати ҳам Табиат ва Ер билан уйғунликда куч тўплаб борди. Ўтмиш ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар сўнмас тарихнинг боқий рамзи бўлиб қолаверади.

Республикамизда қадимий ёдгорликларни излаб топиш, асраш ва қайта тиклаш йўлида улкан амалий ишлар қилинаяпти. Бой берилган қўлёзмалар қайтарилмоқда, буюк инсонлар номи тикланмоқда, замонавий меъморчиликнинг дурдоналари яратилмоқдаки, бу буюк ўтмишга эҳтиром ва авлодлар давомийлигининг рамзидир.

Вилоятимизда фақат кейинги 10 йил ичида "Пайғамбарота", "Заркентота", "Шомирқориавлиё", "Саидота", "Бобо Мочин" каби кўплаб муқаддас қадамжолар қайта тикланди.

Мана, воҳамиз харитасида ўтмишдан етиб келган яна бир ёрқин нур порлай бошлади. Икки йилдирки, Оҳангарон туманидаги қадимий архитектура ёдгорликларидан бири – Шоабдумаликбобо мақбарасида қайта тиклаш ишлари давом этаяпти.

Малик Абдулла Аҳмад Қулмуҳаммад ибн Қодир бин Кархон Илоқий. Бу – қабри 9 асрдан буён Оҳангарон водийси аҳолиси учун муқаддас қадамжо бўлиб келаётган буюк инсоннинг тўлиқ исм-шарифи. Халқ орасида у Шоабдумаликбобо номи билан машҳур. У XII асрнинг охирлари ва XIII асрнинг бошларида яшаб ўтган. Вафоти – 1203 йил.

Бухорода таҳсил кўриб, суфийлик асосларини тадқиқ этди ва шу йўлни босиб ўтди. Юсуф Ҳамадоний таълимоти асосларини эгаллади. Шарқ тилларини мукаммал билган. Туркий ва форсий тилларда бемалол ёзарди. Фалсафа ва мантиқ фанларидан дарс берган. Минералогияни чуқур билган.

Буюк археолог Михаил Массон 30-йилларда Шоабдумаликбобо дафн этилган жой ва унга туташ ҳудудда текширувлар ўтказаётиб, қадимги иншоотлар изини топди. Қадимда бу ерларда карвонсаройлар, масжид ва мадрасалар ишлаб турган.

Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бири (ҳозирги Тошкент – Оҳангарон трассаси)да жойлашган Шоабдумаликбобо мажмуаси маънавият марказларидан бири бўлган ва сўзсиз, Тошкент воҳаси маданиятининг ривожида катта роль ўйнаган.



*Ёдгорликнинг таъмирдан олдинги кўриниши.*



*Қайта тикланишдан кейинги кўриниши.*

Ўтган асрнинг 30-йилларида Шоабдумаликбобонинг ноёб кутубхонаси йўқотиб қўйилган эди. Кексаларнинг айтишларича, оғир қатағон йилларида милиция кийимидаги бир киши келиб, китобларни аравага ортиб, Тўйтепа томонга олиб кетган. У киши ким эканини биз билмаймиз. Аммо, шуниси тушунарлики, ўша одам ким бўлса ҳам мард ва жасур инсон бўлиб, қадимий китоблар тақдирига бефарқ қарамаган. Ўша довюрак кишининг тақдири нима бўлган? Китобларни қаерга яширишга улгурган? Ушбу саволлар ҳеч тинчлик бермайди бизга. Кўп қишлоқларни кезиб чиқдик. Аммо, ҳамон натижа йўқ. Излаш эса давом этаяпти. Бу хайрли ишда одамлардан кўмак кутаяпмиз. Ахир Шоабдумаликбобо кутубхонаси ҳақида кимдир нимадир билиши керак-ку?!

Шоабдумаликбобо – ўрта аср меъморий ёдгорлиги ва у давлат рўйхатида турибди. Ҳозир мақбара ҳашар йўли билан реконструкция қилинаяпти. Келажакда бу ерда боғ бунёдга келади ва зиёратчилар, сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилади.

Бу дунёда ҳамма нарса одамлардан одамларга мерос бўлиб қолаверади – илм ва тажрибалар, маданий қадрият ва анъаналар. Энг муҳими – Она заминга муҳаббат ва садоқат ҳам. Устозлар доим шундай деб ўқитишади ва уқдиришади. Шоабдумаликбобо ҳам шундай таълим берган.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

"BIZNES FAYZ QURILISH" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Общество с ограниченной ответственностью "AZAMAT-SPORT", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Дормон йули, дом 31-А (ИНН 202997160), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Основание: Приказ учредителя № 1 от 15.01.2011г.).

Все претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, ул. Дормон йули, дом 31-А, тел.: 269-05-50.

Утерянный аттестат U № 0460062 о среднем образовании за 9 класс, выданный 2003г. средней школы № 57 г. Тойтепы Уртачирчикского р-на Ташкентской области на имя Вавилиной Елены Михайловны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BASH TURK-TIMURILAR" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани БТИ томонидан Юнусобод тумани, 2-мавзе, 22-уй, 11-хонадонга тегишли Қосимова Дилора Зокировна номига берилган уй плани ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную папку с кадастровыми документами на квартиру находящейся по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Космонавтов, дом 13, кв 65, выданный на имя Абдул Жалил Абдул Рашида,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

# ЕР ҲИДИ – БЕТИМСОЛ, МУКАРРАМ, АЗИЗ

## ОНА ЕР БЎЙИ

*Ҳали тоғлар томон бошин суқмаган*
*Эринчоқ офтобни ҳайрон қаратиб,*
*Ҳовли супуради қирқи чиқмаган –*
*Келинчак борлиққа ифор таратиб.*

*Сув сепар оппоқ қўллар оқ булут мисол,*
*Зарралар сачрайди гўёки ёмғир.*
*Энтиктириб дилларни масрур ва хушҳол –*
*Ҳовли тупроғидан ер ҳиди анқир.*

*Оҳ, ер ҳиди – хушбўй, илоҳий ифор,*
*Нон ҳиди ва она бўйидек лазиз.*
*Нафис атирларнинг барчаси бекор,*
*Ер ҳиди – бетимсол, мукаррам, азиз.*

*...Ҳар тонг у ҳовлига сув сепар экан,*
*Она ер бўйидан вужуди яйрар.*
*Остонаси – тилло, ҳовлиси – чаман,*
*Шу тупроқ меҳрини қалбига жойлар.*

*Насиб этса бир кун оналик бахти,*
*Шу тупроқ ишқи-ла туғилгай гўдак.*
*Шу тупроқ бўлади ўғлоннинг тахти,*
*Ватанни саждагоҳ қилади, бешак.*

## УМИД

*Бахти кулиб, омад келганда,*
*Не хоҳласа ҳозир бўлганда,*
*Ҳеч нарсадан бўлмаса ҳам кам*
*Умид билан яшайди одам.*

*Қачон кимдан бахт-омад кетса,*
*Ночор қолиб, қайғуга ботса,*
*Юрагини эзса ҳамки ғам*
*Умид билан яшайди одам.*

*Умид борки, ҳаёт гўзалдир,*
*Армон – аччиқ, умид – асалдир.*
*Ҳеч нарсаси қолмаганда ҳам*
*Умид билан яшайди одам.*

*Умр бир кун поёнга етса,*
*Туз-насиба, ризқ-рўзи битса,*
*Ажал келиб турган ўша дам*
*Умид билан яшайди одам.*

*Умид борки, инсон ўлмайди,*
*Умид – чироқ, асло сўнмайди.*
*Қиёматга дўнса ҳам олам*
*Умид билан яшайди одам.*

*Умид ахир ҳаёт нуридир,*
*Жон бахш этар юрак қўридир.*
*Ёритгандек зулматни бир шам*
*Умид билан яшайди одам.*

## ТЎРТЛИКЛАР

*Тушларнинг ўнг келган таъбирин кўрдим,*
*Сукутнинг шовқинга сабрини кўрдим.*
*Тиригида хор-зор юрган банданинг,*
*Гулларга бурканган қабрини кўрдим.*

*Дунёнинг ишлари тескари андоқ,*
*Сен унга синчков нигоҳ ила боқ:*
*Сукут сақламоқдир иши дононинг,*
*Ақл ўргатишни хуш кўрар аҳмоқ.*

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**

АЙТИШЛАРИЧА

*Дўстим йўқ десанг дўстинг бўлмайди, тинчим йўқ десанг тинчинг бўлмайди, ҳеч нарсам йўқ десанг, ҳеч нарсанг бўлмайди.*

РАССОМ ХАНДАСИ




*– Холажон, янги келган замонавий атир-упаларингиздан кўрсатинг.*

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# ҚАНДАЙ БОШ КЎТАРИБ ЮРАМАН?

Барчамиз устоз ва мураббийларимизни ҳурмат қилиб, ардоқлаймиз. Улардан ўрнак олишга ҳаракат қиламиз. Улар каби ҳалол, тўғрисўз ҳамда меҳрибон инсонлар бўлмаса керак деб ҳисоблаймиз. Лекин ҳаётда шундай воқеалар бўладики, ёқа ушлайсан, киши. Нафс ҳаккалак отганда ёки ҳирс устунлик қилганда, "мен устозман, бундай иш менга тўғри келмайди", деб ўтирилмас экан.

Собир Айдаровни (исм-шарифлар ўзгартирилган) вилоят давлат педагогика институтининг мураббийлар жамоаси ва талабалари бирдек ҳурмат қилишарди. Уни "таълим фидойиси" дея тилга олишарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. У салкам 20 йилдан буён мусиқий таълим кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётганди. Ўтган йиллар ичида қанча-дан-қанча шогирдлар етиштирди. Четдан биров уни пора олади, деса, тўғриси, ҳеч ким ишонмасди. Лекин у мураббий бўла туриб, тўғри йўлдан адашди. Адашганда ҳам ўнглаб бўлмас даражада. Натижада эса шунча йил мисқоллаб йиққан обрў-эътибори бир пул бўлди.

Хуллас, воқеа бундай бўлганди. Ойбек Ўлмасов деган шахс унинг ёнига келиб, икки таниши шу институтнинг бошланғич таълим факультетига ўқишга кирмоқчи эканлигини айтади. Ундан йўл-йўриқ ва маслаҳат сўрайди. Собир Айдаров қараса, бу одам ҳар қандай шартга кўнадиган. Фақат танишлари ўқишга кирса бўлгани. Шунда устозни шайтон йўлдан урдими, қандай қилиб пул талаб қилганини билмай қолди. Биринчи мартасига оз эмас, кўп эмас, нақ 3 минг АҚШ доллари. Ўзини худди кўп йиллардан бери абитуриентларни ўқишга киритиб, уларнинг ҳожатини чиқариб келаётган "ҳожатбарор"дек тутди. Бу эса Ойбек Ўлмасовнинг кўнглини хотиржам қилди. Талаб қилинган пулни топиб беришини айтди.

Пора олди-бердисини эса бошқа жойга кўчиришди. Орадан кўп ўтмай улар шаҳардаги "Ангрен-Ленд" чойхонасида учрашадиган бўлишди. Собир Айдаров белгиланган жойга етгунча, ширин хаёлларга берилиб борди. Қўлга киритадиган пора эвазига кимларнинг оғзини мойлашни-ю, нималар харид қилишини ўйлаб, ич-ичидан хурсанд бўлди. Лекин хурсандчилиги кўпга чўзилмади. У талаб қилган пулни олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қўлига тушди.

Суд мажлисида судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди. Яхшиямки, ҳукуматимиз адолатли ва кечиримли. Жиноятчининг биринчи марта суд қилинаётгани, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфи катта бўлмагани инобатга олинди. Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорига биноан унга нисбатан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилиб, суд залидан озодликка чиқарилди.

Тергов, суд ва озод қилиш ҳақидаги ҳукм ўқилаётган вақтда устознинг хаёлидан нималар ўтдийкин?! Жамоаси, талабалари, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй олдида тўкилган обрўси, иззат-нафсини ўйлаб, дунё кўзига қоронғу кўринган бўлса керак. Энди буёғига қандай бош кўтариб юриш унинг иродасига боғлиқ.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

Олмазор (С. Раҳимов) туманидаги "G`ANI-G`AYRAT" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Тел.: 222-98-11.

"GLOBAL TEXTILE MANVFACTURING" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "GLOBAL TEXTILE MANVFACTURING" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини ва "WHITE GOLD TEXTIL" хусусий корхонаси "GLOBAL TEXTILE MANVFACTURING" МЧЖга бирлашиши йўли билан қайта ташкил этилади. "WHITE GOLD TEXTIL" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси бўлиб "GLOBAL TEXTILE MANVFACTURING" МЧЖ ҳисобланади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Янгийўл шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаевга волидаи муҳтарамаси **Алфияхон ая ТОЛИБЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши ҳамда Янгийўл шаҳар ҳокимлиги жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Янгийўл шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаевга волидаи муҳтарамаси **Алфияхон ая ТОЛИБЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 15640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234